
ХИТОЙ КОМПАНИЯСИ 144 МЛН. ДОЛЛАР ИНВЕСТИЦИЯ ҲИСОБИГА ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИДА ҚУВВАТИ 150 МВт (300 МВт СОАТ) БЎЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ БАРПО ЭТАДИ

“Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида қуввати 150 МВт (300 МВт соат) бўлган электр энергиясини сақлаш тизимини қуриш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Қарорга асосан, Хитой Халқ Республикасининг “China Gezhouba Group Overseas Investment Co. LTD” компанияси дастлабки баҳолаш бўйича жами 144 млн. доллар миқдордаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритиш ҳисобига Ўзбекистон туманида қуввати 150 МВт (300 МВт соат) бўлган электр энергиясини сақлаш тизимини қуриш лойиҳасини амалга оширади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-03-07 10:17:52